



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

124к -son

Bog‘ot shaharchasi

“Октепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманиёзов Оллашукур Олимовичга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун узоқ муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида

“Октепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманиёзов Оллашукур Олимовичга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳоқими номига йўллаган аризасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Октепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманиёзов Оллашукур Олимовичга И.Дўсов ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1094, 1092, 1095-контурлардаги жами 11,3 гектар, шундан 1,2 гектар экин ери, 4,0 гектар кўллар остидаги, 0,6 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,3 гектар йўллар остидаги, 5,2 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини балиқчилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 49 йил муддатга ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Октепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманиёзов Оллашукур Олимовичга И.Дўсов ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1094, 1092, 1095-контурлардаги жами 11,3 гектар, шундан

1,2 гектар экин ери, 4,0 гектар кўллар остидаги, 0,6 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,3 гектар йўллар остидаги, 5,2 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини балиқчилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 49 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Боғот туман “Давлат хизматлари маркази” (З.Бекназаров)га тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалигини ташкил этиш ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокими билан фуқаро Жуманиёзов Оллашукур Олимович ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. Фуқаро Жуманиёзов Оллашукур Олимовичга ўзига ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев